

Ishonch

2019 йил 8 апрель • душанба • № 46 (4175)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Сўз – фестиваль иштирокчиларига!

Эзгуликка ундовчи қадриятлар



Жуан АНТОНИО,
«Дунё овозлари»
радиоси мусаққа
муҳаррири (Испания):

– Ўзбекистонга, қолаверса, жуда нуфузли, қадимий бахшичилик халқаро фестивалига ташрифидан жуда хурсандман. Бу жозибали, ҳам шижоатли санъат билан ижтимоий тармоқлар орқали танишганман. Бугун эса ана шу бой таассуротларимга бахшилар юртига келиб, ўзим гувоҳ бўлиб, англадимки, бу санъат мен ўйлагандан ҳам бой тарих ва қадр-қимматга эга экан. Испанияда ҳам шундай нуфузли фестиваллар бўлиб ўтади. Бугун англадимки, бундай тадбирлар ўзаида бир-бирини боғлаб турадиган бетақрор ўзлик, эзгуликка ундовчи қадриятлар яшаб келади. Дунё халқларини боғлаб турган шу эзу фазилат тўғрисида Испан халқи номидан ўзбекларнинг бахшичилик санъати фестивалида меҳмон бўлиб туришман. Одамлар қайфияти билан ҳамоҳанг борлиқнинг ҳам янада гўзаллигини дилдан ҳис этишман.

Дунё халқларига ибрат намунаси



Иван ИЛАЕВ,
Сербия мусаққа
ассоциацияси бўлим
мудир, журналист
(Сербия):

– Мен санъат йўналишидаги татлим муассасаларида қадимий чолу асбобларидан дарс берман. Фольклор мусаққа ва қўшиқлари тарбиявий аҳамияти билан инсонларни ўзига ром этиб келган. Ўзбек халқининг бахшичилик санъати эса бу борада жуда етакчи. Мамлакатимиздаги осудалик, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, турли миллат вакилларининг ҳамжиҳат яшашига ҳавас қилса арзийди. Мақсадим – Сербияда ҳам сизларнинг фольклор йўналишидаги қадриятларининг тарғиб қилмоқчиман. Сабаби, биргина «Алпомиш», «Гўрўғли» каби асарларининг тарбиявий аҳамияти, ватанпарварлик ғояси чин маънода дунё халқларига ибрат намунасидир. Дунё халқларини бирлаштирадиган бахшичилик байрамларининг муборак бўлсин!

Дилимиз шодликка тўлди



Жўра САФАРОВ,
Термиз шаҳар
22-болалар мусаққа,
санъат ва бахшичилик
мактаби ўқитувчиси:

– Туркман халқи қадимдан анъана ва қадриятларини эъзозлаб келган миллат сифатида танилган. Икки қардош – ўзбек ва туркман халқларининг урф-одат ва санъати бир-бирига жуда уйқаш. Туркманстондан кўчиб келганимга 33 йил бўлди. Айни пайтда жонажон Ўзбекистонимизга меҳр-муҳаббатимни ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Сўнгги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан Термиз шаҳрида 22-болалар мусаққа, санъат ва бахшичилик мактабининг очилиши нафақат ўзбек бахшичилиги, балки туркман бахшичилиги учун ҳам бир улкан имтиёздир. Мақтобда 5 нафар шогирдимга туркман бахшичилик санъати сирларини ўрнатилган. Улар орасидан етук бахшилар этилиб чиқишига ишончим комил. Ушбу фестивалда Махтумқули ғазаллари ҳамда «Гўрўғли» достонидан парчалар куйлашни мақсад қилганман.

Ёзиб олувчи:
Рустам ДАВЛАТОВ
«Ishonch»

Термизда жаранглар бой тарихнинг янгроқ садоси

Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтаётган биринчи халқаро бахшичилик санъати фестивали қизғин давом этмоқда

Бахшичилик санъати, асрлардан асрларга, тиллардан тилларга, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган халқимизнинг ноёб қадриятidir. Бу мураккаб санъат асари учун адабий матн, шеър, мусаққа, айтим йўли жуда муҳим. Шу тўғрисида дoston ижрочиси – бахши-шоир бир вақтда бадиҳагўй ҳикоячи, шоир, овозга эга бўлган хонанда, моҳир созанда ва маълум даражада актёрлик маҳоратидан хабардор бўлган санъаткор ҳисобланади.



Бугун шу бахшиларнинг пешонаси ярқираган кун бўлиб тарихга муҳрланажак. Давлатимиз раҳбари деярли эътибордан четда қолиб кетган бахшичилик санъати ривожини йўлида жуда муҳим қарорини имзолаб, аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди. Шу ғамхўрликнинг деб-бачаси сифатида Термиз шаҳрида йирик халқаро анжуман ўтаётди. Термиз шаҳри марказидаги гўзал ва мафтункор «Алпомиш» майдони... Санъат саройи хиёбони чиройини, унинг бетақрор манзарасини тил билан таърифлаш қийин.

Бу ерга ташриф буюрган бахши, жиров, шоир-у оқинлар, дунёнинг 70дан ошдиқ мамлакатидан келган санъат шайдолари бугун гўзаллик яратмоқдалар, ўз-

лари-да гўзалликдан баҳра олиб, ўлмас санъатимиз зиёсини дунё бўйлаб таратмоқдалар. Байрам дастури репертуаридан ўрин олган мусаққий чиқишларда дўмбира навоси чанқовуз садосига қоришиб кетган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур санъат байрами муносабати билан бойсулик хунарманд Ғайрат Мусурмонов томонидан минг дон чанқовуз асбоби ясаб берилгани диққатга сазовор воқелиқдир. Бизга маълум бўлишича, чанқовузарни уста хунарманд етмиш кун давомида ясаган экан.

– Тарихимиз бир, қадриятларимиз бир, – дейди туркиялик бахши Зеки Эрдали. – Туркияда ўтган тадбирлар давомида ўзбек қардошларимиз билан кўп учрашганман,

бахшилар билан суҳбатда бўлганман. Мана энди юртингизда меҳмон бўлиш насиб этди. Ҳаммаси жуда гўзал, жуда чиройли. Ҳавас қилдим.

– Термиз шаҳрида ўтаётган халқаро бахшичилик санъати фестивали халқимиз томонидан узоқ кутилган беқиёс байрам, йирик анжумандир, – дейди Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. – Очиги, бир вақтлар, халқимизнинг бу миллий қадрияти ҳисобланган бахшичилик, халқ оғзаки ижодидан турли тилдан-тилга кўчиб келаётган терма ва лапарлар айтиш қатъиян ман этилган даврларни ҳам кўргандик. Халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган бахшичилик бугун ай-

нан Президентимиз ташаббуси билан Алпомишга Ватан бўлган Сурхон заминида қайта туғилди. Бу юксак эътибордан руҳланиб, Касаба уюшмалари ташкилотлари ҳам вилоят маданият бошқармаси билан ҳамкорликда Термиз шаҳридаги 22-болалар мусаққа, санъат ва бахшичилик мактабида вилоят «Бахши-шоирлар» кўрик-танловини ўтказди. Унда туманлар босқичида ғойиб бўлган Сурхон диёрида яшаб, ижод қилаётган 50 нафардан ортиқ бахши-шоир иштирок этди.

– Йирик санъат байрамига Сурхондарёда катта тайёргарлик кўрилган, – дейди Қашқар вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов. – Энг аввало, Термиз халқаро аэропор-

тининг кенгайиб, янги қиёфага киргани, темир йўл вокзалининг қайта реконструкция қилингани, ўнлаб меҳмонхоналарнинг таъмирланиб, барча қўлайликларга эга бўлгани, Сурхон воҳаси марказида амалга оширилган ободонлаштириш ишларидан бениҳоя шод бўлдик. Халқаро фестивалнинг очилиш маросимини катта ҳаяжон остида кузатдик. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг халқаро фестивал иштирокчиларига табригини диққат билан эшитиб, бахшичилик ва достончилик санъати, халқ оғзаки ижодимизнинг қайтадан қадр топаётгани, нафақат юртимиз, балки жаҳон маданиятида янги саҳифа очилаётганини кўрдик.

2-3

Хоразм вилояти



Жаҳон инвесторлари нигоҳи – Хоразмда

Урганч шаҳрида

«Хоразмга инвестиция киритинг!»

шиори остида инвестицион форум бўлиб ўтди.

Биринчи бор ўтказилган форумда 24 давлатдан 100 дан зиёд компания вакиллари иштирок этди.

Нуфузли анжуман серкирра ва самарали бўлди. 100 дан зиёд лойиҳалар тақдимоти инвесторларда қизиқиш уйғотди. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ярмаркаси ху-

дуд ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ҳақида янада тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш имконини берди.

Тадбирда иштирокчиларга ху-дуд ички имкониятлари ҳамда инвесторлар учун жозибадорлигини оширувчи устувор йўналишлари ҳақида сўзлаб берилди.

3

Фарғона вилояти

Орзулар ушалган кун

Фарғона вилоятида уй-жойга муҳтож юртдошларимизга янги уйлар топширилди

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича ҳудудий манзилли дастурларга мувофиқ, шу кунларда Риштон туманидан 7 нафар, Ўзбекистон туманидан 7 нафар, Бешарик туманидан 7 нафар, Олтиариқ туманидан 6 нафар, Тошлоқ ту-



манидан 4 нафар уй-жойга муҳтож фуқароларга янги уйларнинг қалитлари тантанали топширилди.

Кўмақдан МУНАВВАР КЎНГИЛЛАР

Риштонлик Ҳаётхон Маматкулова шу вақтгача 4 нафар фарзанди билан ижарама-ижара яшаб

юрғанди. Уй-жой сотиб олиш учун маблағи ҳам, имконияти ҳам йўқ бўлса-да, яхши кунлар умиди уни тарқ этмаганди. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганларидек, Президентимизнинг ғамхўрлиги тўғрисида унга барча шароитларга эга янги уй берилди.

2

Худудлардан хабарлар



Навоий вилояти

«ЮРИНГ, ШОҲИ ЗИНДАГА БОРАМИЗ!»

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши аъзоларининг 50 нафари учун Жиззах ва Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

Ходимлар дастлаб Жиззах шаҳридаги Зулфия ва Ҳамид Олимжон номли ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳамда уларнинг уй-музейи, кейин Шароф Рашидов уй-музейида бўлишди.

Самарқанд сафари давомида эса юртимиз тарихи ва аждодларимиз мероси ҳақидаги қизиқарли маълумотларга эга бўлишди.




Бухоро вилояти

УСТОЗЛАР САЁҲАТГА ЧИҚИШДИ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фахриддин тўмасов кенгаши ташаббуси билан таълим муассасаларида меҳнат қилиб келаётган 51 нафар ўқитувчи ҳамда фахрий устозларнинг пойтахтимизга 2 кунлик саёҳати ташкил этилди.

Саёҳатчилар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлиб, катта таассурот билан қайтишди.



Хоразм вилояти

ҚАЕРДА ИШЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Ешларга эътибор – келажакка эътибор» шиори остида «Менинг келажакдаги иш жойим» акцияси ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган коллеж битирувчилари «Хоразм ипаги» масъулияти чекланган жамиятидаги иш жараёнлари билан танишиб, замонавий даштлохларни моҳирона бошқариётган ёшлар билан суҳбат қуришди.



Тошкент шаҳри

МЕҲНАТ МАДАНИЯТИ ЮКСАК БЎЛСА...

«Узавтосаноат» акциядорлик компаниясида Миробод туманида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирокида «Меҳнат муҳофазаси оғлиги» доирасида семинар-тренинг ўтказилди.

Ноанъанавий кўриниш олган тадбирда ҳар бир иштирокчи ўзи фаолият юритаётган корхона-ташкilotда меҳнат муҳофазасига қайи йўсинда амал қилиши лозимлигини, ходимларнинг меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича йўл-йўриқлар олишини, меҳнатни муҳофазаси қилиш масалалари бўйича ўқув курсида қайта тайёргарликдан ўтишини, малака оширишини интер-фаол тартибда намойиш этди.



Тошкент вилояти

САЛОМАТЛИК ҲАММАГА КЕРАК

«Ботаника» санаторийида «Соғлом оила» шиори остида «Балли, қизлар» кўрик-танлови ҳамда «Отам, онам ва мен – спортчи оила» мусобақаси ўтказилди.

Кўрик-танловда ушбу масканда фаолият юритаётган 6 нафар қиз билан ва малака бораида беллашди.

Мусобақада эса санаторийнинг 4 нафар ходими ўз оила аъзолари билан иштирок этиб, Шерматовлар оиласи ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиблар рағбатлантирилди.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди. Хабарларнинг тўлиқ матни билан ishonch.uz сайтида танишингиз мумкин.

Турли халқларнинг ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умум-башарий маданиятнинг узвий барчамиз учун қадрлидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



«1

Фестиваль доирасида бўлиб ўтган «Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция кўпчилигининг диққат маркази бўлди.

Анжуманда дунё фольклоршунос олимий тадқиқотчилар бахшичилик ва достончилик санъатини ривожлантириш, халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг жаҳон маданияти, санъатидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш каби долзарб масалаларни муҳокама этишди.

Термизда жаранглар бой



«Бахшиларнинг эстетик қарашлари», «Марказий Осиёда номоддий маданий мерос бўйича халқаро ҳамкорлик: минтақада ИСНСАР билан муштарак ишлар мисолида», «Жангарчи – «Жангар» қалмиқ қаҳрамонлик дostonи айтувчиси, сақловчиси ва оммалаштирувчиси», «Туркий эпосда достон айтиш санъатининг бадий ва вақтга оид контексти», «Мўғул ва ўзбек тилларидаги эпосларнинг терминологик томонлари», «Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича конвенция рўйхатлари эпик мероси: Ўзбекистон эпик мерос элементлари», «Қирғиз элининг айтишув санъати», «Подшоҳ ва Лала ёки Дахрил ва Зюфрем» гагауз достон эпоси тикланиши», «Тожикларнинг эпик ижоди: ҳозирги ҳолати, сақлаш ва ривожланиш муаммолари» каби мавзуларда маърузалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида хорижлик ва маҳаллий журналистлар учун ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, ушбу нуфузли фести-

валнинг айнан Сурхондарёда ўтказилаётганида ўзига хос маъно бор. Ушбу ҳудудда достончилик санъати юртимизнинг бошқа жойларига нисбатан кен сақланиб қолган.

Тадбирда афғонистонлик мухбирнинг «Бахшичилик фестивали ўзбек халқига нима беради?» деган саволига жавобан маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев «Бу тадбир юртдаги тинчлик ва барқарорликнинг, санъатсеварлик ва ўлмас маданиятнинг белгисидир. Анжуман ўзбек халқига байрам кайфияти, кувонч улашиб, йўқолиб кетаётган санъат турини қайта тараққий эттиради, элимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаб, дунёнинг кўп-лаб мамлакатлари билан ўрнатилган дўстлик алоқаларимизни янги бошқича кўтарди, дея жавоб қайтарди.

Матбуот анжумани чоғида Индонезиянинг «Maratua» фестивали ди-

ректори жаноб Агус Сетуаван Басуни ўз фикрларини куйидагича ифода этди:

– Термизда фестивал ўтишини эшитганимдан, Унга тақдир қилишдан кўра эса ҳажондан, тўлқинланган гулзаримга ёш келди. Чунки мен Ўзбекистон ҳақида, Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийлар юрти ҳақида кўп эшитганим. Бу дигерга бориш энг катта орзум эди. Мана, Аллоҳнинг шарофати билан юрти дунёга, Аллоҳнинг шарофати билан юрти дунёга бахшичилик санъати фестивалининг маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев менга «Бу юртга келишни орзу қилишади. Истардимки, давлатларимизнинг маданий муносабатлари янада мустаҳкамланса.

Жаноб Басунининг давлатлараро ҳамкорликни янги бошқича кўтариш борасида фикрини Бахтиёр Сайфуллаев мамнуният билан қабул қилиб, яқин орада Ўзбекистон ва Индонезия давлатлари маданият вазирилари ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланиши режалаштирилганини айтиб ўтди.

Ўз навбатида, вазир барча оммавий ахборот воситалари вакилларига донғи кетган бахшиларимиз ижро этган достон ва термалар жамланган аудиодисклар ҳамда бахшичилик санъати ҳақида чоп этилган китоб ва журналлар совға қилди.

– Фаолиятим давомида жуда кўп тадбирларда қатнашганман, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. – Бироқ халқаро бахшичилик санъати фестивалини кузатар эканман, жуда тўлқинландим. Бахшиларимиз ижро этаётган достонлар ўзбекистонимизнинг яна бир бор намоён этди. Катта байрамни муносиб ўтказиётган Сурхондарё халқига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдирган ҳолда, ишонманки, бу анжуман халқимизнинг энг катта бойлигига айланади. Бахшичилик, халқ оғзаки ижодининг янги зарварлари очилади.

– Халқимиз санъатни севади, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. – Деҳқонлар ер ҳайдаётганда, аскарлар ўшдам одим ташлаётганда қўшиқ хиргойи қилиши шундан.

ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА ХОРИЖЛИК ВА МАҲАЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, УШБУ НУФУЗЛИ ФЕСТИВАЛНИНГ АЙНАН СУРХОНДАРЁДА ЎТКАЗИЛАЁТГАНИДА ЎЗИГА ХОС МАЪНО БОР. УШБУ ҲУДУДДА ДОСТОНЧИЛИК САНЪАТИ ЮРТИМИЗНИНГ БОШҚА ЖОЙЛАРИГА НИСБАТАН КЕН САҚЛАНИБ ҚОЛГАН.

«1

– Бир умр ўз уйим бўлишини орзу қилиб яшадим, – дейди у. – Мана яхши инсонларнинг кўмаги билан мураббатга етиб, уйли-жойли бўлдим. Бу хайрли ишларнинг бошида турганларнинг дуосидаман.

– Бугун ҳаётимда энг қувончли кунлардан бири, – дейди риштонлик яна бир янги уй соҳиби Ойбек Пўлатов. – Шу пайтгача бошпанам йўқлигидан қабристондаги пастқам бўш хонада яшаб келаётган эдим. Касаба уюшма вакилларининг яшаш шароитини ўрганишга келиши ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди. Улар менга кўмак кўрсатишларини айтиб, эртанги кунга умид бағишладилар. Барака топишсин, уларнинг сазой-ҳаракати билан уйли бўлдим. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига, менга ёрдам қўлини чўзган вилоят касаба уюшмаларининг жонқуяр инсонларига раҳмат айтаман.

«КУТУБХОНАДА ЯШАётган ЭДИК»

Ўзбекистон туманида яшовчи Рустамжон Бурхонидиновнинг болалиги қувонч, завқ-у шавқ билан ўтмади. Онасидан эрта ажралди. Отаси эса ташлаб кетди. Яхшиям ҳоласи бор экан. Уни васийликка олиб тарбиялади.

– Шу пайтгача холамнинг оиласи билан яшаб келаётган эдим, – дейди Рустамжон Бурхонидинов. – Хиёлатли томони холамнинг уйлантирадиган ўғли, турмушга чиқарадиган қизлари бор. Эртами-кечми улар келин олиб, қиз узатишлари тайин эди. Бу ўй мени кунда-кунора қийнар эди. Бахтни қаранг, касаба уюшма вакиллари ижтимоий ҳаёлимизни ўр-

Орзулар ушалган кун

Фарғона вилоятида уй-жойга муҳтож юртдошларимизга янги уйлар топширилди



ганиб, менга уй-жой беришга қарор қилишди. Ҳозир мендан бахтли инсон йўқ.

Ўрганишлар давомида Ўзбекистон туманида истиқомат қилувчи Аҳмадали Пўлатовнинг ҳам уй-жойга муҳтожлиги аниқланди. Ушу пайтгача Абдурахмон Жомий номли МФИда жойлашган кутубхонада яшаб келаётган эди.

– Топганим рўзгордан ортмагани учун уй-жой қилишга имконим йўқ эди, – дейди у. – Оиламизнинг қандай шароитда яшаётганини ўрганган

маҳалла фуқаролар йиғини ва касаба уюшмаларининг вакиллари менга уй-жой ажратишга қарор қилишди. Уларга раҳмат, бу ғамхўрлик ҳаётимизга мазмун олиб кирди. Айни пайтда чироғи ва шибан уйда бахтиёр яшамоқдамиз.

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!

– Тақдир экан, турмушим бўламади, – дейди бахтлик Дилрабо Саидқуллова. – Фарзандларим билан ота уйимга қайтиб келдим. Бир ҳовлида уч оила 11 жонли яшадик.

Ҳовлимиз тор бўлгани боис, яшаш шароитимиз оғир эди. Дардимизни эшитишга келган касаба уюшмаларининг фидойи инсонлари яшаш шароитимизни чуқур ўрганиб чиқдилар. Шундан сўнг уй-жой билан таъминлаш бўйича манзилли дастурга киритишди. Уларнинг яхшилиги, давлатимизнинг кўмаги билан янги уй берилди.

ОЛГА АЯНИНГ ҚУВОНЧИ

Олтиариқ тумани «Оқбўйра» МФИда яшовчи Манзура Паризи-

еванинги ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам туғма соқоқ. Саховатпеша инсонларнинг кўмаги билан уларнинг орзулари рўёбга чиқди – янги уй соҳиби бўлишди.

Бундан бир неча йил аввал олтиариқлик Олга Иванованингни байлик ениб кетиб, бор бонистидан айрилганди. Олга ая қари эди, уй қуриш учун кучи ҳам, маблағи ҳам етмасди. Шу сабаб кўп вақт сарсон бўлиб юрди. Касаба уюшма вакилларининг эҳтиёжманд оилалар хонадонларини ўрганиши давомида унга кўмак кўрсатилди. Қисқа вақт ичида янги уй қуриб берилди.

БАХТЛИ ҲАЁТ БОШЛАДИ

Бу каби хайрли ва эзгу ишлар Тошлоқ туманида ҳам давом эттирилиб, 11 гуруҳ ногирони Музафар Мирзахалиловага ҳам барча шароитларга эга уй қилиб топширилди.

– Мана бугун бизнинг оиламиз учун ҳақиқий тантана, – дейди Тошлоқ туманида яшаш муваффақияти билан 11 киши бирга яшаб келаётган эдик. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрликлари туфайли бизга уй берилди. Бундан бошимиз осмонга етди.

– Мана шундай шуқуҳли кунларда янги уйга кўчиб ўтишим ҳаётимдаги унутилмас, бахтли дамларимдан бўлди, – дейди тошлоқлик янги уй соҳибларидан яна бири Абдувоҳид Бегматов. – Узоқ йиллар давомида аёлим ва 2оқ йиллар фарзандим билан ижарама-ижара яшаб келдик. Бугун орзуларимиз рўёбга чиқиб, бепул уй-жой билан таъминландик. Оиламизни бошпанали қилган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

Жамшид ЭРҒАШЕВ «Ishonch»

Тарихнинг янгроқ садоси

Бахшилар эса доимо эзгуликни куйлаб келишган. Улар ижро этган ижод намуналарида ватанпарварлик, вафо ва садоқат мадҳ этилган. Асрдан асрга ўтиб келадиган достонларимизни тинглаган кишилар қалбида ҳам фақат яхшиликка интилиш туйғулари шаклланади. Шундай экан, ўзбек халқини муҳим қадрият бўлмиш бахшичиликнинг қайта тугилиши, азалий орзуларимиз ушлиши билан кутласак бўлади.

...Термиз санъат саройи атрофи ҳамда амфитеатр майдонида ташриф буюрган киши бу сеҳрли манзилдан осонликча чиқиб кетолмайди. Қорқалпоғистон Республикасидан келган жировлар кўбизини чалиб, мардлик ва баҳодирликдан куйласа, хоразмлик санъаткорлар ўлмас туйғу – муҳаббатни тараннум этган достонларни армуғон этади.

Алпомшиш ва Барчинойлар юрти ҳисобланмиш Сурхон замини бахшилари ва фольклор жамоалари ушбу санъат байрамига астойдил ҳозирлик кўришганки, воҳадаги 14 та туманининг ҳар бири ўзига хос дастур-у мусиқий композициялари билан меҳмонларга хушнудлик улашмоқда.

– Бугунги халқаро фестивалга «Хуш келибсиз, бахшилар!» деб номланган дастурни ҳозирладик, – дейди «Бойсун» фольклор эт-



41 Саноат соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишларда энгил саноат, ипакчилик, озиқ-овқат, фармацевтика, кимё саноати ва машинасозлик, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш борасида музокаралар ўтказилди. Туризм соҳаси му-

леғас ҳудудга 80 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш нияти борлигини билдирди. Тадбиркор Хоразмни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун юқори салоҳиятга эга хурд сифатида баҳолади. У киритаётган инвестиция асосида 180 гектар майдонда «Инновацион иссиқхона» барпо эти-

Жаҳон инвесторлари нигоҳи – Хоразмда

зокаралари янада қизиқарли кечди. Янги меҳмонхоналар, кўнгилочар марказлар барпо этиш, бошқа туризм инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича кўплаб тақлифлар, лойиҳалар кўриб чиқилди.

Инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга кенг татбиқ қилиш, илм-фан ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳам форум муҳокамасида бўлди.

Қишлоқ хўжалигида инновацион ёндашуларга бағишланган муҳокамаларда замонавий иссиқхоналар, интенсиф боғлар, логистика марказларини қуриш, пахтачилик, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик кластерларини ташкил этишга қаратилган лойиҳалар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Испаниялик инвестор Жоссе Антонио Эстебан Вил-

лиши кўзда тутилган. Халқаро инвестицион форум доирасида «В» to «В» (Бизнес ту Бизнес) деб номланган ҳамкорлик тadbирлари ҳам ташкил қилинди. Унда вилоят ҳокими БМТ тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили М.Димовска, Европа тараққиёт ва тикланиш банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Алкес Дракесес ва бир қатор хорижий йирик компаниялар вакиллари қабул қилиб, музокаралар олиб борди.

Форум иштирокчилари жойларга чиқиб, тақлиф қилинаётган лойиҳалар ва улар амалга татбиқ этиладиган муҳит билан кенгроқ танишдилар. Мўъжизакор Ичан қалъани ташкил этишга қаратилган лойиҳалар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Испаниялик инвестор Жоссе Антонио Эстебан Вил-

Муҳаббат Тўрабоева «Ishonch»



Ушбу суратларга

нографик халқ жамоаси раҳбари Даврон Абдураимов. – Бундан ташқари, бойсунлик Жовли бахши Нормаматов ўз ижроси билан танловда иштирок этади.

– Эътибор қилсангиз, Сурхон воҳаси туманлари тайёрлаган декорация ва чиқишлар бир-бирини такрорламайди, ҳар бири ўзига хос, – дейди Жарқўрғон тумани маданият бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Ўктам Қодиров. – «Жарқўрғон» фольклор этно-

...АЙНИ ПАЙТДА КАТТА САҲНАДА ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК БАХШИЛАРИ, ТАНЛОВ ШАРТЛАРИГА КўРА, ЎЗ БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШМОҚДА. Дўмбира-Ю СИБИЗГАЛАР СЕҲРИ ТОШИБ, САЙРАМОҚДА, УЛАРНИНГ НАҒМАСИНИ ТИНГЛАГАНЛАР ҚАЛБИ ДАРЭ БЎЛИБ, ҚИРҒОҒИДАН ТОШМОҚДА.

нографик жамоаси, «Дилрабо» ашула ва рақс дастаси, «Моможонлар» рақс гуруҳи томонидан ижро этилаётган айтишувлар, лапар ва рақслар ранго-ранг. Ўз навбатида, биз ҳам дунё давлатлари, қолаверса, республикамизнинг турли ҳудудларидан келган бахшичилик санъати намояндалари ижоди билан яқиндан танишиб, улар билан тажриба алмашиш бахтига муяссар бўлдик...

– Ота-боболаримиз асосан чорвачилик, деҳқончилик билан шугулланишган, – дейди Самарқанд вилояти Булунғур тумани «Човқи» фольклор-этнографик халқ жамоаси бадий

раҳбари Эшбек Нормуродов. – Шунинг учун репертуаримизда халқона ҳаёт тарзи ифодаланган қўшиқ ва рақслар кўп. Либосларимиз ҳам қадриятларга ҳамоҳанг.

Масалан, эгнимдаги оқ энгли куйлак ёзининг жазирамасида иссиқдан асраса, белимдаги каштагул солинган белбоғ эса танамни мустаҳкам тутиш билан бирга кези келганда дастурхон вазифасини бажаради. Қўлимиздаги чўпон таёғи эса чарчаганда асо бўлиб, оёқларга ҳамдам бўлади. Ҳар бирининг илдиз ва моҳияти мустаҳкам. Ўзбек достончилигининг йирик намояндаси Фозил Йўлдош ўғли бизнинг

ва моҳияти мустаҳкам. Ўзбек достончилигининг йирик намояндаси Фозил Йўлдош ўғли бизнинг



Рустам ДАВЛАТОВ, Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбирлари



тумандан. Барчамиз у кишининг достонларини тинглаб улғайганимиз. Йиллар ўтиб «Наҳот энди бу заминдан Эргаш Жуманбул ўғли, Пулжон шоир, Фозил Йўлдош сингари достончилар етишиб чиқмайди?» деган таъшишли савол қийнаб келарди. Президентимизнинг Термиздаги Халқаро бахшичилик фестивалига асос солиши эса бу борадаги барча шубҳа-гумонларни булутдек тарқатиб юборди. Насиб бўлса, шу кунларда ўтаётган фестивалнинг ўзбек ва жаҳон достончилиги ривожига ҳиссаси катта бўлиши муқаррар.

...Айни пайтда катта саҳнада жаҳон ва ўзбек бахшилари, танлов шартларига кўра, ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишмоқда. Дўмбира-ю сибизгалар сеҳри тошиб, сайрамоқда, уларнинг нағмасини тинглаганлар қалби дарэ бўлиб, қирғоғидан тошмоқда.

Халқаро фестивал тафсилотлари ва якунлари хусусида газеталаримизнинг кейинги сонларида батафсил тўхталамиз.

«Ishonch»га жавоб берадилар...

Тижорат банклари мустақил

Марказий банк «Ishonch» газетасининг шу йил 14 март сонидида чоп этилган «Хизмат тўлови, фоизсиз депозит...» деб номланган мурожаатга қуйидагиларни маълум қилди: «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини банклар мустақил белгилаши қайд этилган.

Шунга асосан, ҳар бир тижорат банки ўз бизнес-режаси, фойда ва зарар кўрсаткичлари ҳамда миқдорлар билан ўрнатилган муносабатлар харақтеридан келиб чиққан ҳолда кўрсатиладиган банк хизматлари учун

ундириладиган воситачилик ҳақи ва тўловларини ҳамда миқдорларнинг депозитлари қолдигига (шу жумладан, пластик картадаги маблағлари қол-

Марказий банк ижро аппарати раҳбари

О. ЭРНАЗАРОВ

Фоизлар тўланади

Ушбу мурожаатга «Ипотека банк» акциядорлик тижорат банки шундай муносабат билдирди:



«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори харажатларини қоплаш учун меъёрий талаблар доирасида банк тарифлари ўрнатил-

дигига) тўланадиган фоиз ставкасининг миқдорини мустақил равишда белгилайди.


Шу ўринда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг тижорат банклари ва уларнинг филиаллари фаолиятига аралашishi тақиқланган.

Бундан ташқари, «Ипотекабанк» АТИБнинг 2019 йил учун белгиланган «Фоиз сиёсати»нинг 18-бандида жисмоний шахслар ва нафақага чиққан фуқаролар пластик картчалари ҳисобварақларидаги миллий валютадаги қолдиқ суммага фоиз тўловлари йиллик 0,01 фоиз миқдориди белгиланган бўлиб, ҳар ойда ҳисоблаборилмоқда.

Миқдорлар банк тизимига оид савол ҳамда тақлифларни «Ипотекабанк» АТИБнинг (78) 150-89-55 телефон рақами орқали билдириши мумкин.

Бошқарув раиси ўринбосари

Д. ЗУЛФУКАРОВ



Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳрининг шундоқ биқинидан ўтган Катта ўзбек тракти ёқасида ноодатий, ноанъанавий бир бозор бор. Эшитган қўлоққа хунук эшитилади: «Аёллар мардикор бозори». У ҳар кун гавжум. Бу ерда 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган кўплаб кўналик иш талабгорларини учратиш мумкин.

«Оғрик тишлар...»

Ёлланиб ишловчи аёлларнинг муаммоларига ечим борми?

– Тойлоқ туманида яшайман, – деди биз билан суҳбатда ўзини Назокат деб таништирган 30-35 ёшлар атрофидаги аёл. – Уч нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Россияга кетган. Беш ойдики, эрим пул жўнатмайди. Иши юришмаётган экан. Болаларни боқишим керак. Кунлик ёлланма ишга чиқишдан бошқа чорам йўқ.

– Бир кунда қанча пул топа оласиз? – Бу ерда муайян нарх белгиланган. Барчамиз бир хил нархда ишлаймиз. Агар ишлатувчи тушлик берса, нарх арзонлашади.

– Қандай юмушларни бажаришингиз мумкин?

– Ҳозир айни экин-тикин фурсати. Асосан сабзавот ва полиз ўсимликларини экиш, боғ ва тоқзорлардаги юмушлар билан машғулмиз.

– Бирор бир давлат ёки хусусий корхонадан иш тақлиф қилишса, ишлайсизми?

– Йўқ. Оилавий шароитим кўтармайди. Чунки ҳали болаларим ёш. Яқинларимга топириб, бир икки кун ана шу бозорда тирикчилик қиламан.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу бозорда бинойидек тирикчилик қилаётганларнинг аксарияти ўзларини суҳбатдан тийилишга, ўз манзил-мақонлари ҳақида аниқ маълумот бермасликка ҳаракат қилишди. Самарқанд вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги хотин-қизлар комиссияси аъзолари ҳам улар билан бир неча бор мулоқот уюштиришга уринган бўлса-да, керакли натижага эриша олмаган.

– Юртимизда аёлларга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Самарқанд вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қошидаги Хотин-қизлар комиссияси раиси Махлиё Раззоқова. – Буни комиссия фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Комиссия аъзолари жорий йил бошидан буён корхоналарда муҳокама этилган жамоа шартномасига оид 20 дан ортиқ йиғилишларда иштирок этиб, ишловчи аёлларга қўшимча имтиёзлар миқдорини ошириш юзасидан кўплаб тақлифлар билдиришди. Хотин-қизларнинг 141 та мурожаати ўз вақтида ҳал этилди. Бундан ташқари, турли соҳаларда меҳнат қилаётган 500 нафарга яқин хотин-қизлар «Муқаддас аёл» номли саёҳатлар дастури асосида тарихий шаҳарларга саёҳат қилишди. 6175 нафардан ортиқ хотин-қизлар эса турли байрам тadbирларига жалб этилди.

Комиссия ташаббуси билан «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва ҳамкор ташкилотлар билан келишув асосида «Ибратли оила» кўрик танловининг қўйи босқичларида 300 га яқин оила вакиллари иштирок этди. Ўтган икки йилда 65 та оила анги уйли бўлди. Қарийб 600 тадан ортиқ кам таъминланган оила хонадонлари бепул таъмирдан чиқарилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Афсуски, аёллар билан боғлиқ муаммолар ҳали жуда кўп. Шулардан бири ёлланма ишлар билан шугулланаётган аёллар ҳуқуқидир. Ўз ўрнини мардикор бозориди деб билган аёл бундай имкониятларнинг аксариятидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Бир марталик иш билан таъминлаш марказлари фаолиятининг самарадорлиги сезилмаяпти. Мазкур марказларнинг фаолияти тизимли йўлга қўйилмаган. Бизнингча, ҳар бир маҳалла марказида бир марталик иш билан таъминлаш марказларининг бўлими бўлиши зарур. Ана шунда бир марктик ишга эҳтиёжманд тадбиркор ёки фермер марказ орқали ишчи ёллаши мумкин бўлади. Бу иш берувчига қўлайлик яратиши баробарида ишга ёлланувчиларнинг ҳам меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади. Бунга мутаассаддилар қандай муносабатда бўлар экан?

Нурилла ШАМСИЕВ «Ishonch»

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси «Hurriyat» мустақил газетаси Бош муҳаррири Абдурашул Жумақуловга отаси ПАРДА БОБОНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

9 апрель – Амир Темури таваллуд кунин

Ижтимоий ҳимоянинг ноёб усули

Соҳибқироннинг аҳоли фаровонлигини таъминлаш тузуқлари нималардан иборат эди?

Тарихдан маълумки, Амир Темури ўзи яшаб турган жамиятни етук ижтимоий тизимга айлантириш, фаровон ҳаёт куриш мақсади учун курашган. Унинг эзгу ғояларини ўзида мужассам этган «Куч – адолатда» шiori салтанатнинг барча ҳудудларида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган.



Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Амир Темурнинг халқпарвар сийсати шунда эдики, у жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламлар даражасини кенг ўрганди. Бу, ўз навбатида, оддий халқнинг турмуш шароити, қадриятларида муҳим ўрин тутиб, сон-саноксиз ўлпон-у солиқлар билан вазиетни мураккаблаштиришга чек қўйди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг гуриривожлаштиришга хизмат қилди.

Ижодкор таржимаи ҳоли туғилган ёки вафот этган йилдангина, асарларининг ёзилган санаси ёки қандайдир мукофотлар олганига оид маълумотлардангина иборат бўлса, бундай «тарих», бундай биография анча жўн, зерикарли ва ҳатто бадий ижод жараёнидан, ижодкор руҳиятидан узилган бўлади. Негаки, ёзувчи-шоир ҳаётидаги энг майда воқеа-ҳодисалар ҳам баъзида унинг асарларида руҳий-психологик суратда зуҳур бўлади. Дунё адабиётшунослигида бадий асарга ижодкорнинг яшаш тарзи, шароити, муҳити, ишқий саргузаштлари, эътиқодий таянчлари, ҳаётида кечган турли ҳодисалар, кундаликлари ва шу каби бир қанча нуқурлар призмасидан қарайдиган биографик метод кўпинча мувофақиятга эришиб, ўз натижаларида камаланинг етти рангини жо қилади.

Жулқунбойнинг Масковга жунаши

Таассуфки, бизда бадий асар моҳияти билан бевосита боғлиқ ҳодиса – таржимаи ҳоли тавсиф этиши ёки бирор бир адибнинг ижодий портретини ёзиш ҳали шу кунга довуруқ оддий хронологик маълумотлар қайдидан кўп ҳам юқори кўтарилгани йўқ. Адабиётшуносликда Абдулла Қодирийга оид тадқиқотлар кўп. Гарчанд Қодирийшуносликда «Отам ҳақида», «Қодирийнинг сўнги кунлари», «Катлонома» сингари биографик йўсинда ёзилган китоблар мавжуд бўлса-да, улуг адиб ҳаётининг кўпгина саҳифалари яхши маълум эмас: чалқаш фактлар, ғайримантиқий талқинлар учрайди.

Ҳ.Қодирийнинг «иккита ўн икки вақрақли, кўк муқовали тўла консепт дафтари»дан ўқиб олган («Отам ҳақида», 50-бет) ва хотирасида қайта тиклаб ёзган тахминий маълумотларидан бошқа, афсуски, Абдулла Қодирийнинг таълим-таҳсили хусусида тафсиллий маълумот йўқ. Ҳ.Қодирийнинг «иккита ўн икки вақрақли, кўк муқовали тўла консепт дафтари»дан ўқиб олган («Отам ҳақида», 50-бет) ва хотирасида қайта тиклаб ёзган тахминий маълумотларидан бошқа, афсуски, Абдулла Қодирийнинг таълим-таҳсили хусусида тафсиллий маълумот йўқ.

Абдулла Қодирий отилган, Абдулла Қодирий «халқ душмани» сифатида судланган, сал илгари «аксиниқилобий ҳаракат» қилганликда айбланиб ҳам қамалган; Абдулла Қодирий Масковда ўқиган... Мақола мавзуси учун шу нуқта, шу охириги жумла муҳим. 60-йиллари ёзилган айрим адабиётларда адибнинг ўқиш даври 1925-1926 саналари билан кўрсатилди. Шунингдек, 1990 йили олий ўқув юрталари талабаларига мўлжаллаб чиқарилган адабиёт тарихи дарслигида ҳам айни сана такоррланади. Ҳолбуки, адибнинг «Кичик асарлар»ига кирган «Таржимаи ҳоли»да ҳам, шу манбага суяниб ёзилган Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ҳам адиб ҳаёти ва ижодининг Масков даври 1924-1925

«Отам ҳақида» китобида ҳам адиб ҳаёти ва ижодининг Масков даври 1924-1925 йил экани тўғри қайд этилади. Ҳ.Қодирийнинг «иккита ўн икки вақрақли, кўк муқовали тўла консепт дафтари»дан ўқиб олган («Отам ҳақида», 50-бет) ва хотирасида қайта тиклаб ёзган тахминий маълумотларидан бошқа, афсуски, Абдулла Қодирийнинг таълим-таҳсили хусусида тафсиллий маълумот йўқ.

Ҳикмат

Ёзувчи турмушини ҳар тарафлама ўрганиши, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиши керак. Қисман бошимдан кеңирганларим менинг ёзувчи бўлишимда катта рол ўйнаган. Абдулла ҚОДИРИЙ

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига



Ўқишга юборилганки, бунинг фойдасидан зарари кўп. Бундай қуруқ исроф учун куюниб ёзилган сатрлар «Миллий ашулаччилик фалончи Италияда ўқиб қайтдим?» номи пичингда ҳам кўрилади...

Жулқунбой Масковдан йўллаган «Туртинчи хат»нинг «Қари қиз пешонага йилла!» деган жойида ёзади: «Оғзимни қапа-қапа очиб, рутубат микробларидан уч-тўрт юзини наҳорга танаввул қилгач, устидан «қир-қир» қилиб йўталиб ҳам қўйдим. Баъдазон озимни қилбага қаратиб, Масковнинг шундай болонишин еридан уй олиб, менга ўхшаган нимжонларни рамақижонлик даражасига етказишга таважжў қилган ваколатномаси ҳақида дуойи холис учун қўлимни очдим...». Хуллас, илм талабидида юрган баъзи кимсаларнинг яшаш шароити ҳам кўнглидагидек эмас; оғир шароитга, етар-етмас таъминотга тоқат қилиб, илм олиш учун ҳазрати «Айюб Собир»нинг сабрлари лозим. Абдулла Қодирий Масковдаги пайтида бу каби ҳолатларни ўз кўзи билан кўрди; шунинг ичиди яшади ва «Мушутум»га ҳангома пичинг, тажжўли орифона йўсинида ёзиб, журнал сипоришларини қондирди. Албатта, хизматидан атайин рухсат олган ёзувчининг ниёти «уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлмақ эди».

Зид фикр давоми учун далил: «Масковдан 1925 йилнинг июнь ойида ёзиб таътилга Ташкентга қайтдим. 25-26 йилнинг таътилига Масковга борами, деб тайёрланган вақтида Алимов мени олиб қолди...». (Демак, адибнинг ўқишда юрган даври роппа-роса бир йилга –1924 йил июндан 1925 йил июнь ойларига тўғри келади). Қизил матбуот арбоби Комилжон Алимов, эҳтимол, Абдулла Қодирийнинг матбуотда бирга ҳамкорлик қилиш таклифи билан «олиб қолган»дир. Иккинчидан, кейинчалик ёзувчи ижодининг қора нуқталари ўлароқ ёдга олинди, танқид этилган «Масков хатлари» ҳаммага ҳам хуш ёқарган бўлмаса керак. Негаки, унда ҳақиқатни кўлими йўлда айтиш, мавжуд ижтимоий, адабий ҳаётга, маданий-маърифий таълим тадбирлари жараёнига нисбатан танқидий руҳ кучли эди. Шуниси ибратлики, Абдулла Қодирий ўзгача бир муҳитда ҳам ўз услубига, ўз қаламига содиқ қолади: руҳиятидаги тирик назар, уйғоқ қалб ўз маншаътида асло узоқ кетмади. Шу маънода, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодининг Масков даври ҳозирги мавжуд саё талқинлари нисбатан – таъдиллар асосида – анча чуқуროқ ва даланроқ тадқиқ этилиши лозим.

Жулқунбой шу зайл қалам суради. Чамаси баъзи ўқувчи-талабалар таъсилдан кўнгли тўлмайдиган, маърифат тилағида келган айрим ёшлар маржаларни етаклаб, бузғунчилик кўчаларига қиради: эҳтимол, киядиган кундалик кийими ёки соқол-мўйлови билан ташқи қиёфасини ўзгартирар, аммо миллат қайғусида, миллий фикрда ўзгариш қўрилмайди. Шунингдек, она кўксини кўмсаб тургувчи, она сўти оғиздан кетмаган, жиддий қилиб айтганда, миллатга хизмат нелитини англамаган, фикран етилмаган гўдак – болалар ҳам

Баҳодир КАРИМ, адабиётшунос

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! «ОЛТИН ҚАЛАМ» XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» XIV миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намойиш этишлари учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида «Олтин қалам» XIV миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2018 йилнинг 31 мартидан 2019 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатишган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет нашрларида берилган материаллар 2019 йилнинг 15 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишон, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар: Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (буосма оммавий ахборот воситалари – 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишон, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади. Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом,

Танлов шартлари: Танловга теле-, радио-, бошма материал-

«Олтин қалам» кўкрак нишон, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади. Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишон, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар: Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал; Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун; Энг яхши фоторепортаж; Энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади. «Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонднинг молиявий қўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналар ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган (илова қилинади).

Танлов шартлари: Танловга теле-, радио-, бошма материал-

лар ҳамда Интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак). Телевидение бўйича видеоматериаллар (CD, DVD дискда) 3 дақиқачага бўлиши керак. Радиоэшитиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқачадан 30 дақиқачага бўлиши керак. Матбуот ва Интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим: муаллиф ҳақида маълумотнома (объектив); муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари; паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2019 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини тантанали равишда ўтказилади. Мукофот бир шахста такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100011, Ташкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават. Телефонлар: (71) 244-64-61; 244-37-87 www.Journalist.uz

Илова

«Олтин қалам» XIV Миллий мукофоти учун халқаро танлов доирасида миллий ҳамкорлар таъсис этган номинациялар:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши: «Меҳнат муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун»; «Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун».

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди: «Худудий ангилларнинг ўзига хос услубда босма ва интернет нашрларида ёритган журналист»; «Интернет тармоғида юртимизнинг ижобий имиджини оширишга қаратилган мақолалар тайёрлаган журналист»; «Хукуматимиз томонидан коррупцияга қарши курашишда олиб борилаётган ислохотларни таҳлилий ёритган журналист»; «Давлатимиз томонидан кам таъминланган оилалар учун амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида тайёрланган таҳлилий мақола».

«Олтин қалам» XIV Миллий мукофоти учун халқаро танлов доирасидаги халқаро ташкилотлар номинациялари

1. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси: 1.«Журналистнинг ахборот олиш имкониятлари масалалари».

2. «Журналистларнинг профессионал фаолияти ҳимояси учун».

2. Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси: 1. «Ўзбекистоннинг ташқи савдо сийсати ривожига тўғрисидаги энг яхши материал учун». 2.«Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ёритилган энг яхши фото ёки видеоҳисобот (блог, видео-фильм ёки бошқа визуал махсулот)» учун.

3. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси: «Терроризмга қарши курашда ОАВнинг роли».

4. Америка Қўшма Штатлари элчихонаси: «Иқтисодий ривожлантиришда Америка – Ўзбекистон муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун».

5. Россия Федерацияси элчихонаси: Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожига бағишланган энг яхши материал учун.

6. Туркия Республикаси элчихонаси: 1.«Ўзбекистон ва Туркия ўртасида инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун». 2.«Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун». 3.«Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун». 4.«Туркия ташқи сийсати ҳақидаги энг яхши материал учун».

7. Хитой Халқ Республикаси элчихонаси:

1.«Ўзбек – хитой икки томонлама ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал учун». 2.«Бир макон – бир йўл» лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик» мавзусига бағишланган энг яхши материал учун. 3. Хитой тўғрисидаги энг яхши материал учун.

8. Project HOPE (АҚШ): 1. Босма/Интернет ОАВда сил касаллигига қарши кураш ҳақидаги энг яхши материал учун. 2. Сил касаллигига қарши кураш мавзусига бағишланган энг яхши теле/радио материал учун. 3. Сил касаллиги мубтало бўлган одамларни камситишга қарши кураш (ёки сил касаллиги мубтало бўлганларга нисбатан бағрикенгликни шакллантириш) мавзусидаги материал учун.

9. «Минтақавий мулоқот» халқаро одават ташкилоти (Словения): «ОАВда коррупцияга қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материал учун».

10. DVV International (Германия): «Аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти ва ОАВнинг роли» тўғрисидаги материал учун.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазиран Мақамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва «Росатом» давлат корпорацияси: «Ўзбекистоннинг атом энергетикаси мавзуси ёритилган энг яхши материал учун».

Муассис: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Бош муҳаррир: Ҳусан ЭРМАТОВ. Манзил: 100165, Ташкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23. Бухоро – (+998-99) 889-90-31. Жиззах – (+998-99) 889-90-25. Наманган – (+998-99) 889-90-02. Навоий – (+998-99) 889-90-28. Самарқанд – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32. Фарғона – (+998-99) 889-90-24. Хоразм – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27. Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов. Мусаҳҳиш: С. Исмоилов. Захираловчи: Ҳ. Абдуллаев. Ҳаёт ва ҳалқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.